

ISSN : 3030-3974

MAKON VA ZAMON

Пространство и время
Space and time

№5
2025

MAKON VA ZAMON

**ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal**

2025/5 (№7)

M u a s s i l a r: “Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti” Milliy tadqiqot universiteti
va O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

Tahririyat: *t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor*
M.Abdullayeva, *s.f.d., professor A.Muminov, f.f.d., professor O'.Abilov, p.f.d., professor*
R.Choriyev, *p.f.d., professor Z.Ismoilova, f.f.d., professor J.Ramatov,*
i.f.d., dotsent X.Pirmatov, s.f.d. – A.Ravshanov.

ISSN 3030-3974

Bosh muharrir – tahririyat rahbari:

Qiyom Nazarov – f.f.d., professor

Nashrga tayyorlovchilar:

M.Tursunova, M.Turdiyeva, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili: Qori Niyoziy ko'chasi, 39,

Toshkent shahri, 100000,

Bichimi 60x84 Ofset qog'oz. “Times” garniturası.

Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 100 nusxa

MUNDARIJA:

Бош муҳаррир минбари	Ўзбек фалсафасининг умуминсонийлик ва миллийлик тамойиллари	5
Х. То‘хтаев	Qadriyatlar sohasi va aksiologiya qonuniyatlari transformatsiyasini ilmiy-falsafiy tahlili	10
Г.Наврўзова	Ибн Синонинг тасаввуфий устози.....	14
N.Kuvvatov	O‘tish davrining yangi O‘zbekiston bosqichi	18
Х.Саитходжаев	Хукукий нигилизм ёшлар хукукий маданиятига салбий таъсир этувчи омил сифатида.....	22
Н.Салиева	Олий таълим тизимида аёллар етакчилигини шакллантиришнинг мафкуравий асослари ва институционал имкониятлари.....	27
Х. Хидиров	XXI – asr yoshlar tarbiyasida ta’lim jarayoni axborotlashuvining o‘rni va ahamiyati.....	31
Г.Ўразалиева	Оила институтини мустаҳкамлашда гендер тенглигининг аҳамияти	35
Г.Нишонбоева	Маданиятнинг функциялари ва унинг жамиятдаги ўрни.....	40
Б.Узоков	Қадриятлар ва илм-фан ривожини.....	44
М.Ҳекубова	Global jarayonlar ta’sirida kommunikativ reallikda makon va vaqt tushunchalarining transformatsiyasi.....	48
I.Axmedov	Yangi O‘zbekistonda ma’naviy g‘oyalar transformatsiyasi jarayonida ta’lim tizimi bilan hamkorlik masalalari.....	52
Х. Холикулова	Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва раҳбарлик лавозимларидаги иштироки.....	55
З.Надинова	Интуиция – оқилона қарор қабул қилиш воситаси.....	59
U.Muxtarov	Falsafiy ta’limotlar tarixida mehnatga munosabat haqidagi g‘oyalar takomili.....	63
Б.Мамадаминова	Оила — маънавиятимиз таянчи.....	66
G.Azamatova	Migrant хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари.....	69
U.Ergashev	Toshko‘prizodaning “Latoif un-Nabiy” asari to‘g‘risida.....	72
G.Rashidova	Ta’lim muassasalarida tarbiyaviy darslarning zarurati.....	75
Q.Samandarov	Chig‘atoy ulusi chog‘ida Turkiston mintaqasida dinlararo munosabatlar.....	79
Х.Ботирова	Мустақиллик йилларида аграр соҳада мулкӣ муносабатлар шаклланиши ва хукукий асослар яратилиши.....	83
З.Ёдгоров	Янги Ўзбекистон ва спортдаги ислохотлар.....	86
З.Абдуазимова	Экологическая этика как важный фактор преодоления глобальных экологических проблем.....	90
M.Umarova	Buxoro amiri Shohmurod ibn Doniyolbiyning Turk sultonlari bilan elchilik munosabatlari.....	94
Sh.Abdug‘aniyev	Axborotlashgan jamiyat tushunchasi shakllanishi va rivojlanish bosqichlari.....	98

ИБН СИНОНИНГ ТАСАВВУФИЙ УСТОЗИ

Гулчехра Наврӯзова
Бухоро техника университети профессори,
фалсафа фанлари доктори

Аннотация. Мақолада энциклопедик олим Абу Али ибн Сино (980-1037) ҳаёт йўлларининг охирида тасаввуф таълимотини қабул қилганлиги ва унинг устози Абусаид Абулхайр (967-1049) эканлиги далилланган.

Калит сўзлар: Ибн Сино, Абусаид Абулхайр, тавба, тасаввуф, “Тайр рисоласи”.

Аннотация. В статье доказывається, что учёный-энциклопедист Абу Али ибн Сина (980–1037) в конце жизни принял учение тасаввуф и что его учителем был Абусаид Абулхайр (967–1049).

Ключевые слова: Ибн Сина, Абусаид Абулхайр, покаяние, тасаввуф, «Трактат Тайр».

Annotation. The article proves that the scholar and encyclopedist Abu Ali ibn Sina (980–1037) accepted the teachings of Sufism at the end of his life and that his teacher was Abusaid Abulkhair (967–1049).

Keywords: Ibn Sina, Abusaid Abulkhair, repentance, Sufism, “Treatise Tayr”.

Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш учун Шарқдаги Биринчи ва Иккинчи Уйғониш даври тажрибаларидан фойдаланиш зарур. Шарқдаги Биринчи Уйғониш даврининг энциклопедик олими Абу Али ибн Сино (980-1037) бутун жаҳонга машҳурдир. Унинг илмий-маънавий мероси илму фаннинг барча соҳаларининг ривожига муносиб ҳисса қўшган.

Мустақиллик йилларида Ибн Сино илмий-маънавий мероси янгича ёндашув асосида ўрганила бошланди. Ибн Синонинг тасаввуф таълимотига муносабати ва шу мазмунга оид умрининг охирида ёзган асарлари тадқиқотчилар эътиборини ўзига торта бошлади. Тадқиқотлар Ибн Синонинг умрининг охирида тасаввуф йўлига кирганлиги ва охириги рисолярани тасаввуф тушунчаларини ёритишга бағишлаганини асослаганлар.

Манбашунос олим Болтаев А.А. Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фаслул хитоб би васлил аҳбоб” [1] асарига таяниб, Ибн Сино умрининг охирида тасаввуфга кирганини асослаган [2]. Олим Болтаев А.А. “Фаслул хитоб би васлил аҳбоб” (“Дўстларни висолга етакловчи хитоб китоби”) асарини эски Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов литографиясида хаттот томонидан ҳижрий 1331 (милодий 1913) йил санаси қайд этилган нусхаси асосида ўрганган.

Хожа Муҳаммад Порсо (1345, Бухоро – 1419, Мадина) Бухорода асосланган тасаввуфнинг Нақшбандия тариқати ва таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси бўлиб ҳисобланади. Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанддан тариқат сирларидан ўрганди. Муҳаммад Порсо “Рисолаи қудсия”, “Таҳқиқот”, “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, “Мухтасари тарихи Макка” ва “Фаслул хитоб би васлил аҳбоб” каби йигирмадан ортиқ асарларни яратди.

Тасаввуф ва фалсафа олам ва одам моҳиятини англашнинг ўзига хос икки оқими бўлиб, ҳозиргача мавжуддир. Хожа Порсо тасаввуфнинг йирик намояндаларидан бири сифатида табиийки, файласуфларга эргашмаган, уларнинг фикрларига асосан, қарши томонда турган. Унинг фикри хатто жаҳон фани ва маданиятига муносиб ҳисса қўшган, номи абадиятга муҳрланган зот, қомусий олим Ибн Синога нисбатан ҳам ўзгармади.

Муҳаммад Порсо “Фаслул хитоб би васлил аҳбоб” асарида буюк ватандоши Ибн Синони эслаганда унинг фикридан ўзи рад қилган хулосани келтириб, кейин Ибн

Синонинг назарий билиш ақидасида хатоси бор бўлганлигини, унинг ўзи буни кейинчалик тушуниб, аввалги фикридан қайтиб, тўғри йўлга кирганлигини таъкидлайди. Муҳаммад Порсо ёзади: "Айрим орифлар илмул яқинни фикрий қонун ва назарий далил билан эгаллаш қийинлигини таъкидлайдилар. Моддий нарсаларни англашда фақат далил керак бўлсада, бошқа кўплаб нарсаларни англашда биргина далил мутлақо ҳеч нарса қилолмайди. Аҳли басират ва соғлом ақл эгаларига тушунарлики, англаш икки хил йўл биландир. Биринчиси кўриш ва далил келтириш йўли билан, иккинчиси ботинни поклаш ва Аллоҳ таъолога илтижо қилиш орқали эришиладиган кашф йўли билан. Назарий мартабада ҳол аввал қилган машқларимиздан тиниклашади ва шунда қалбни поклаш ва том маънодаги фақр билан, қалбнинг борлиққа тааллуқли барча нарсалардан, билим ва қонуниятлардан бутунлай фориг қилиш билан Аллоҳ таъолога таважжуҳ қилиш йўли кўринади".

Муҳаммад Порсонинг фикрича аҳли назарнинг устози, уларнинг муқтадоси раис Абу Али ибн Абдуллоҳ ибн Сино ўзининг бу йўлдаги изланишларида назарий қувватнинг фитратни соғломлаштириши мумкинлигини ёки у орқали завқ ва илҳом йўлини очиш имкони борлигини рад этувчилар йўлидан кетди. У кўп ўринларда нарсаларнинг ҳақиқатларини англаш башарнинг қудратида эмаслигини, аксинча, инсоннинг бош гоёси нарсаларнинг хислатларини ва уларнинг қайси керак, қайси ноқераклигини аниқлаш эканлигини айтди. У мақсади ва фикрининг тўғрилигини қатъий баён қилган бўлсада, кейинроқ яна Ҳақ таъолонинг маърифати масаласига қайтганда, у аввалги айтганларига хилоф гапларни айтганлиги машхур.

Муҳаммад Порсонинг фикрича, Ибн Сино ҳаётининг сўнгида тавба қилди, ўзида бор нарсаларни камбағалларга садақа қилиб берди, мазлумларга ёрдамлашди. У Куръонни ёддан ўқиб, ҳар уч кунда хатм қиларди. Ҳижрий 428 йилда рамазон ойининг биринчи жумасида вафот қилди ва Ҳамадонда дафн қилинди.

"Ал-Ёфиъийнинг тарихида Абу Али ҳақида ёзилишича, у ўн саккиз ёшни тўлдирмай туриб, барча илмларни тўлиқ ўрганган экан. Унинг юзга яқин асарлари бўлиб, улардан бири "Рисолатут тайр"дир. У мусулмон файласуфларидан ҳисобланади. Кейин у Аллоҳ таъолонинг инояти ва раҳмати билан тавба қилиб, танассук (зоҳидлик) ва табаттул (дунёдан узилиш) қилиб, ботинини софлаган экан. Яна ҳақиқатини Аллоҳ билувчирокдир". [3]

Манбада Ибн Синонинг тавба қилганлигини Муҳаммад Порсо томонидан таъкидланиши ва бунга асос сифатида "Қуш рисоласи" асарини келтирилиши Ибн Синонинг умрининг охирида тасаввуф йўлига кирганлигидан далолат беради. Чунки тасаввуф йўлига киришнинг биринчи қадами тавбадир. Инсон ўз хатосини англаб, Ҳақ йўлига кирганида тавба қилади. У гуноҳларини кечиришни сўраб маънавий юксалишнинг янги босқичига ўтади.

Хожа Муҳаммад Порсо юқорида тилга олинган асарида ўз юртдошлари орасидан энг катта эътиборини Ибн Синога қаратган. Унинг ҳаёт йўлига кенгроқ тўхталган. Хожа Муҳаммад Порсонинг Ибн Синога ҳурматининг баландлиги яна шундан маълум бўлмоқдаки, у асарида нафақат Ибн Синога катта ўрин ажратган, балки, уни мазкур китобнинг асосий ўқувчилари ҳисобланган сўфийлар ва мутасаввифлар олдида оқлаб, унинг фалсафадан қайтиб, ботиний илмларини ҳам эътироф этган ва ҳаётида ҳам қўллаган киши сифатида кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Биринчи бор Ибн Сино тўғрисида бу каби хулоса берган мутасаввиф фақат Хожа Муҳаммад Порсо бўлиб қолмоқда.

Муҳаммад Порсо Ибн Синонинг инсон руҳининг камолоти масаласига бағишланган "Рисолатут тайр" ("Қуш рисоласи") асарини алоҳида таъкидламоқда. Биз ҳам шу фикрга келган эдик [4]. Муҳаммад Порсо билан фикримизни уйғун келганлигидан жуда хурсандмиз. Шундай фикрга келишимизнинг асосий сабаби Ибн Синодан илҳомланган Абу Ҳомид Ғаззолий, Сухравардий, Нажмиддин ар-Розий ва Фаридуддин Аттор каби кўплаб сўфий ва мутасаввифлар бу рисолага катта қизиқиш билан қараганлар ва бу асарга

суяниб, унинг умумий сюжети асосида тасаввуфий нуқтаи назардан шу каби номлар билан янги асарлар ҳам яратганлар. Бу анъана Порсодан кейинги даврда ҳам давом этиб, Навоийнинг “Лисонут тайр” асари дунёга келди.

Хожа Муҳаммад Порсо ўз ватандоши Абу Али ибн Синонинг инсон камолоти мавзуида биринчилардан бўлиб қалам тебратган олимлигини таъкидлапти. Бу ҳол Хожа Порсо томонидан Ибн Сино буюклигини қанчалик нозик тушунишини, шунингдек, уни эъзозлашини, бу билан эса ўзининг ҳам шу каби инсонлар тоифасидан эканлигини аниқ кўрсатиб турибди. Булардан ташқари у ўз ўқувчилари олдида тасаввуф тарихи ва назариясининг катта билимдони, етук ориф ва мутафаккирлигини кўрсатиб турибди.

Ибн Синони тасаввуф илмига жалб этган ва устозлик қилган улуг зот ким? Тадқиқотларимиз давомида Абу Али ибн Синонинг тасаввуфга киритган устозлари Абусаид Абулхайр (967-1049) эканлигини аниқладик. Абусаид Абулхайр Майхани “Султон ул орифин” номи билан машҳур. Тарикатда шериятни омукта этган шайхдир. Бу улуг зот тарикатда шайхларнинг шеъриятга мурожаати Абусаид Абулхайрдан бошланган. Саид Насафий “Суханони манзуми Абусаид Абулхайр” асарини 1376-йилда Эроннинг Техрон шаҳрида нашр этган. Унда Абусаид Абулхайрнинг 720 та рубойиси жамланган. Унинг “Асрор ут-тавҳид” асари машҳурдир. Ёш Абусаид Абулхайрга машҳур шайх Абулқосим Бишр Ёсин назар қилган ва қуйидаги байтни такрорлаб юришни вазифа қилиб берган:

Жоно, бе Ту қарор натавонам кард,
Эҳсони Туро шумор натавонам кард.
Гар бар тани ман забон шавад ҳар мўе,
Як шукри Ту аз ҳазор натавонам кард.

Мазмуни:

Жоно, Сенсиз қарорим йўқдир,
Сенинг эҳсонингни саноги йўқдир.
Танамдаги ҳар бир соч туки тилга айланса гар,
Сенинг шукрингни адогига мажולי йўқдир.

Устози ўғитига амал қилиб бу байтларни мунтазам такрорлаб юрган Абусаид Абулхайр Ҳаққа етиб назмга ҳам муҳаббати баланд бўлган.

Абусаид Абулхайр Ибн Синога устоз бўлиб, уни тасаввуф таълимотига жалб этганлигига нималар асос бўла олади? Манбашунос олим Болтаев А.А. ўзининг “Олим билан Ориф учрашуви” мақоласида асос келтиради. Эронда чоп этилган Абусаид Абулхайрнинг невараси Муҳаммад ибн Мунаввар Навода Абусаид томонидан ёзилган “Асрор ут-тавҳид фи мақомоти Абу-с-Саъид - ” “Абу Саъид мақомотларида тавҳид сирлари” китобида бобосининг Ибн Сино билан учрашувини келтирган. Бу факт асарнинг Техронда ҳижрий-шамсий 1313-йилда нашр этилган нусхасининг 159-160 бетларида ёзилган. Болтаев А. манбани форсий тилдан таржима этиб Олим ва Ориф учрашувини китобда қуйидагича келтирилганлигини ёзади: “Бир куни шайх Абусаъид қ.с. Нишопурда ваъз айтиб турганларида хожа Абу Али ибн Сино р.а. У кишининг хонақоҳларига кирадилар. Улар авваллари бир-бирлари билан хат ёзишиб юрган бўлсаларда, юз кўришмаган эдилар. Хожа эшикдан киришлари билан шайх: “Ҳикмат илмининг билимдони келди”-дедилар. Хожа Бу Али кириб ўтирдилар. Шайх ваъзларини тугатиб минбардан тушдилар ва икковлари бир хонага кириб кетиб уч кеча ва кундуз хилватда суҳбатлашдилар. Уларнинг суҳбатидан шогиртлари ҳеч нарса тушунмадилар, ва олдиларига киришга ботина олмадилар. Улар хатто жамоа намозларига чиқмадилар. Сўнг хожа Бу Али кетдилар. Бу Синонинг шогиртлари хожадан сўрадилар: “Шайх ҳақида нима дейсиз?” Хожа дедилар: “Мен нимани ақл билан англаган бўлсам, У қалб билан топган”. Шайхнинг муридлари шайх олдида келиб сўрадилар: “Эй шайх, Бу Али ҳақида нима дейсиз?” Шайх жавоб қилдилар: “Биз нимаики қалб билан топдик у ақл билан англаган”.

Мазкур манбада берилган маълумот шундан гувоҳлик берадики, Ибн Синонинг тасаввуфга киришига Абусаид Абулхайр билан ёзишмалари ва учрашувлари сабабчи бўлган.

Устозимиз фалсафа фанлари доктори, профессор, ибнсиношунос олим М.Н.Болтаев юқорида тилга олинган Муҳаммад ибн Мунавварнинг асарига таяниб икки мутафаккир ва мутасаввифнинг мулоқотини баён этган. М.Н.Болтаев икки улуг зотнинг учрашувлари бир марта эмас иккинчи мартаба бўлганлини манба асосида баён этганлар. У киши маълумот беришича, биринчи учрашувдан кейин Абу Али ибн Сино билан шайх Абусаид Абулхайр ўртасида мукотибот ва муросалот доимий тарзда давом этар эди. Мукотибот ва муросалот дегани номалар, мактублар ёзишдир. Маълум бўладики, бу икки улуг инсон ораларида мунтазам равишда мактублар, номалар орқали рухий, маънавий, маърифий мустаҳкам алоқа бўлган. Абу Али ибн Сино шайх Абусаид Абулхайрни суҳбатларида қатнашишни, бу улуг зотнинг тасаввуфий билимларидан баҳраманд бўлишни ҳамиша орзу қилар эди.

М.Н.Болтаев маълумот беришларича, бир куни Ибн Сино шайх Абусаид манзили Моҳинага боради. Бу пайтда шайх Абусаид Абулхайр мажлисда ваъз қилаётган эди. Абу Али ибн Сино зоҳири, яъни ташқи томонини кийимларини ўзгартириб у кишининг мажлисига киради. У ўзини танитгирмаслик учун бир бурчакка ўтириб олади. Шайх Абусаид Абулхайр суҳбат, мунозара қизишиб бораётганида: “Абу Али ибн Сино бугунги мажлисимизда қатнашаётгирмикан, бизнинг суҳбат ва сўзларимизнинг ҳаммаси ҳикмат масаласи, тушунча ва қонунлари ҳақида бораётгир. Агар коинотни билувчи осмонни кўрадиганнинг мажлисига келса, ҳар иккала оина бир тарзда гапиришади”,-деган. Абу Али ибн Сино бу сўзларни эшитиши биланоқ ўз жойидан туриб, шайх Абусаид билан саломлашган. Шайх Абусаид Абулхайр Ибн Сино ҳақида дуолар қилган ва санолар айтган. Мажлис тугагандан кейин бир ҳафта Абусаид Абулхайр саройидаги ибодатгоҳда бирлашиб, тасаввуф ва ҳикмат масалаларига оид суҳбат ўтказганлар. Уларни олдида бу сафар ҳам ҳеч ким кирмаган. Икки буюк инсон суҳбат ва мунозаларига асосланиб, Ибн Сино рухий борлиқни фақат аҳлу тафаккур воситаси билан билиш мумкин деган гапни хатолигини англаган. У қалб кўзи, ботиний, кўз билан билиш мумкинлигини таъкидлаган.

Умумий хулоса қилиб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

Абу Али ибн Сино умрининг охирида тасаввуф таълимотини қабул қилган.

Хожа Муҳаммад Порсо “Фаслул хитоб” асарида Ибн Синони тавба қилгани ва тасаввуфга кирганини ёзган.

Ибн Синонинг “Рисолаут-тайр” асари унинг тасаввуфий ҳаёт йўлини ёрқин акс эттиради.

Ибн Синонинг тасавуфий устози “Султон ул орифин” номи билан машҳур Абусаид Абулхайрдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Фаслул хитоб би васлил аҳбоб” (“Дўстларни висолга етакловчи хитоб китоби”). Эски Тошкент, Гулом Ҳасан Орифжонов литографияси, ҳижрий 1331 (милодий 1913). فصل الخطاب بوصول الأحياب. Литография Гуламъ Хасанъ Арифджанова, Стар. Ташкентъ.
2. Болтаев А.А. Ибн Сино Хожа Муҳаммад Порсо талқинида. https://www.naqshband.uz/makolalar/ibn_sino
3. ¹ فصل الخطاب بوصول الأحياب. خواجه محمد پارسا. لیتوگرافیја Гульям Хасанъ Арифджанова. Стар. Ташкентъ. 1915, 199-бет. Болтаев А.А. таржимаси
4. Наврўзова Г.Н. Абу Али ибн Сино Қуш ҳақидаги рисоласининг моҳияти ва тасаввуфий гојларининг ривожига таъсири. Hosted from San Fransisco, USA. February 28. 2021. P.19-23. <https://conferencepublication.com>

MAKON VA ZAMON

Ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal

2025/5 (№7)

ISSN tartib raqami 3030–3974

Bosh muharrir – tahririyat rahbari:

Q.N.Nazarov – *f.f.d., professor*

Nashrga tayyorlovchilar:

M.Tursunova, M.Turdiyeva, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili:

Qori Niyoziy ko'chasi, 39,

Toshkent shahri, 100000, O'zbekiston

tiame.uz

Bichimi 60x84 Ofset qog'ozi. "Times" garniturası.

Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 100 nusxa